

March 2020

## COPULATIVE COMPOUNDS FORMED BY PREPOSITIONAL INTERFIXES IN PERSIAN LANGUAGE

Nuriddinov Nodir Mr

*Tashkent state institute of oriental studies, nur\_nn@mail.ru*

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu>



Part of the Anthropological Linguistics and Sociolinguistics Commons, Applied Linguistics Commons, First and Second Language Acquisition Commons, Morphology Commons, Other Linguistics Commons, Semantics and Pragmatics Commons, Syntax Commons, and the Typological Linguistics and Linguistic Diversity Commons

---

### Recommended Citation

Nodir, Nuriddinov Mr (2020) "COPULATIVE COMPOUNDS FORMED BY PREPOSITIONAL INTERFIXES IN PERSIAN LANGUAGE," *Scientific Bulletin of Namangan State University*. Vol. 1 : Iss. 10 , Article 71.  
Available at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu/vol1/iss10/71>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Scientific Bulletin of Namangan State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact [sh.erkinov@edu.uz](mailto:sh.erkinov@edu.uz).

## ФОРС ТИЛИДА ОЛД КЎМАКЧИЛИ ИНТЕРФИКС ОРҚАЛИ ЯСАЛГАН КОПУЛЯТИВ ҚЎШМА СЎЗЛАР

*Нуриддинов Нодир Нурмат ўғли*  
*Тошкент давлат шарқшунослик институти*  
*Эрон-афгон филологияси кафедраси ўқитувчиси*

**Аннотация:** Копулятив қўшма сўзлар лексикализация усули орқали ясалувчи қўшма сўзлардир. Копулятив гуруҳдаги қўшма сўзларнинг компонентлари семантик жиҳатдан тенг муносабатга эга бўлади. Мақолада копулятив қўшма сўз термини, унинг рус ва эронлик тилшуносларнинг асарларида ўрганилиши ҳақида сўз юритилиб, олд кўмакчили интерфикс орқали ясалган копулятив қўшма сўзлар манбалардан тўпланган мисоллар орқали структур-семантик жиҳатдан таҳлилга тортилади.

**Калит сўзлар:** копулятив қўшма сўз, олд кўмакчили интерфикс, лексикализация, синонимик қатор, сермахсул, структур-семантик таҳлил.

## КОПУЛЯТИВНЫЕ СЛОЖНЫЕ СЛОВА, ОБРАЗОВАННЫЕ ПО СРЕДСТВОМ ПРЕДЛОЖНЫХ ИНТЕРФИКСОВ В ПЕРСИДСКОМ ЯЗЫКЕ

*Нуриддинов Нодир Нурмат ўғли*  
*Ташкентский государственный институт востоковедения*  
*преподаватель кафедры Ирано-афганской филологии*

**Аннотация:** Копулятивные сложные слова – это такие сложные слова, которые образуются путём лексикализации. Компоненты копулятивных сложных слов семантически равноправны. В статье исследуется термин “копулятивное сложное слово” и его изучение в произведениях русских и иранских лингвистов. А также с примерами, собранными из источников, осуществляется структурно-семантический анализ копулятивных сложных слов, образованных предложными интерфиксами.

**Ключевые слова:** копулятивное сложное слово, предложный интерфикс, лексикализация, синонимический ряд, продуктивный, структурно-семантический анализ.

## COPULATIVE COMPOUNDS FORMED BY PREPOSITIONAL INTERFIXES IN PERSIAN LANGUAGE

*Nuriddinov Nodir Nurmat ogli*  
*Tashkent state institute of oriental studies*  
*teacher of the Iranian-afgan philology department*

**Summary:** Copulative compounds are such compound words that are formed by lexicalization. The components of copulative compounds are equal by semantic. The article also discusses the term “copulative compound” and its studying in scientific works of Russian and Iranian linguists. As well as with examples collected from sources it is carried out structural-semantic analysis of copulative compounds formed by prepositional interfixes.

**Keywords and expressions:** copulative compound, prepositional interfix, lexicalization, synonymic series, productive, structural-semantic analysis.

Форс тилининг тарихий ривожда копулятив сўз бирикмаларининг лексикализацияга учраши, компонентларининг ўзаро лексик-семантик, грамматик ва фонетик яқинлиги кузатилади. Бу турдаги қўшма сўзлар интерфикс билан икки лексик морфеманинг *от+интерфикс+от* модели асосида қўшилишидан юзага келади ва эрон тилшунослигида улар “копулятивлар”, “копулятив қўшма сўзлар” каби номлар билан аталади. Форс тилига оид лингвистик адабиётларда бу терминлар айнан боғловчили типдаги қўшма сўзларни ифодалаш учун ишлатилади [8:75].

КҚС (копулятив қўшма сўзлар)да детерминаторлар мавжуд бўлмайти, чунки унинг таркибий қисмлари семантик жихатдан тенг ҳуқуқлидир.

Рус эроншуносларининг XIX асрнинг иккинчи ярми XX асрнинг бошларигача ёзилган асарларининг хронологик таҳлили [1], [3], [4], [2], [5] КҚС улар томонидан “қўшма сўзлар” бўлимида ўрганилгани ва *composita copulativa* номи билан аталганини кўрсатади.

Л.С. Пейсиков эса ўзининг “Очерки по словообразованию персидского языка” номли асарида копулятив қўшма сўзларнинг 15 банддан иборат турини келтиради [6:159-168].

Эронда нашр этилган форс тили грамматикаларида ҳам бу мавзу, одатда, қўшма сўзлар бўлимида ўрганилади. Айнан бир турдаги сўзларнинг ҳам қўшма сўзлар *کلمات مرکب kalemāt-e morakkab*, ҳам сўз бирикмалари *ترکیبات tarkibāt* сифатида ўрганилиши тез-тез кўзга ташланади. Эрон дастурнавислари томонидан копулятив бирликлар *کلمات مزدوج kalemāt-e mozdavaj* [12:110] “иккиланган, жуфт сўзлар”, *ترکیبات معطوف و معطوف اليه tarkibāt-e ma'tuf-o ma'tufon eleyh* [13:57] “боғланувчи ва боғловчи билан боғланган бирликлар”, *کلمات جفت kalemāt-e joft* [14:380] “жуфт сўзлар”, *اسمهای مرکب متوازن esmhā-ye morakkab-e motavāzen* [15:193] “копулятив қўшма отлар”, *ترکیب های عطفی tarkib-e motavāzen* [15:193] “копулятив қўшма отлар”, *ترکیب متوازن tarkib-e motavāzen* [15:193] “копулятив қўшма сўз”, *ساخت همپایه sāxt-e hampāye* [11:33] “тенг конструкция”, *کلمات پیوندی مرکب kalemāt-e peyvandi-ye morakkab* [10:81] “боғловчили қўшма сўзлар” каби терминлар билан аталади.

Тадқиқот мавзусига оид олд кўмакчили интерфикс иштирокидаги КҚСлар Эрон ёзувчиларининг асарлари ҳамда интернет сайтларидан олинган маълумотлар асосида тўпланди. Хусусан, Содиқ Ҳидоятнинг “توپ مرواری”, “تلخ و شیرین” (Техрон, 1331), Муҳаммад Али Жамолзоданинг “مدیر مدرسه”, “نون و القلم” (Техрон, 1340), Жалол Оле Аҳмаднинг “مرگ بی وسایل” (Техрон, 1345), “پنج داستان” (Техрон, 1356), Аббос Паҳлавоннинг “اسمال در نیویورک” (Техрон, 1348), Хусрав Шоҳонийнинг “بازنشسته” (Техрон, 1368), “ادم عوضی” (Техрон, 1349), Ираж Пезешкзоднинг “ادب مرد به ز دولت اوست” (Техрон, 1355) каби асарлари тадқиқот ишимизга манба сифатида хизмат қилди. Манбалардан тўпланган мисоллар *فرهنگ فارسی* нинг “فرهنگ فارسی” [14], *ابو الحسن نجفی* нинг “فرهنگ فارسی” [9] ҳамда Ю.А. Рубинчик таҳрири остидаги “Персидско-русский словарь” [7] луғатида берилган маънолар асосида таҳлилга тортилди.

Олд кўмакчили интерфикс орқали ясалган КҚСлар - от-асос сўзнинг олд кўмакчили интерфикс иштирокида такрорланиши натижасида ясалган ҳосилалардир: *آن به آن ānbeān* “ҳар лаҳзада” (*آن ān* “лаҳза”), *پاڭيا pāberā* “кетма-кет”, “бирин-кетин”; “аста-секин”, “бора-бора” (*پا pā* “оёқ”), *پدر بر پدر pedarbar pedar* “авлоддан авлодга” (*پدر pedar* “ота”), *پشت در پشت poštardarpošt* “авлоддан авлодга”, “тўхтовсиз” (*پشت pošt* “орқа”), *پى بر پى peubarpeuy* “изма-из”, от кўмакчи. “изидан”, *پى بر پى peudarpeuy* “кетма-кет”, “бирин-кетин”, “пайдар-пай”, “тўхтовсиз” (*پى peuy* “из”), *تو در تو tudartu* “босиб ўтиладиган ўртадаги (хона)” (*تو tu* “ички томон”, “ичи”), *جابجا jābejā* “тезда”, “зудлик билан”, “дарҳол”; “қаердадир”, “баъзи жойларда”, “ора-сира” (*جا jā* “жой”), *جور به جور jurbejur* “турли-туман” (*جور jur* “тур”, “хил”), *چاردرچار čahārdarčahār* “тўртбурчак”, “квадратга оид”, “квадрат шаклидаги” (*چار čahār* “тўрт”), *درجه به درجه darajebedaraje* “аста-секин”, “тобора” (*درجه daraje* “даража”), *دست در دست dastdardast* = *دست به دست dastbedast* “қўлдан қўлга”; “қўлни-қўлга бериб”, “аҳиллик билан”; “бирин-кетин”, “тўхтовсиз” (*دست dast* “қўл”), *دفعه به دفعه daf’ebedaf’e* “ҳар сафар”, “вақти вақти билан” (*دفعه daf’e* “марта”, “карра”), *دورتادور dourtādour* “ҳамма ерда”, “ҳар ёқда”; от кўмакчи “атрофи(да)”, *دهن دهاندهان dahanbedahan* “оғиздан оғизга” (*دهن dahan* “оғиз”), *دير به دير dirbedir* “камдан-кам”, “онда-сонда”, “баъзан” (*دير dir* “кеч”), *دم به دم dambadam* “доимо”, “тўхтовсиз равишда”, “тез-тез”, “ҳар дақиқа (да)” (*دم dam* “нафас”, “дам”), *ديوار به ديوار divārbedivār* “қўшни”, “яқин” (*ديوار divār* “девор”), *در به در darbedar* “дарбадар” (*در dar* “эшик”), *رو به رو ruberu* “рўпарадаги” (*رو ru* “юз”), *روز به روز ruzberuz* “кундан кунга” (*روز ruz* “кун”), *خود به خود xodbexod* “кутилмаганда”, “ўз-ўзидан содир бўладиган” (*خود xod* “ўз”), *سال تا سال sāltāsāl* = *سال به سال sālbesāl* “йилма-йил”, “йилдан-йилга”, бутун йил давомида” (*سال sāl* “йил”), *سبيل به سبيل sebilbesebil* “ёлғиз”, “танҳо”, “икковлон” (*سبيل sebil* “мўйлов”), *سر به سر sarbesar* = *سر تا سر sartāsar* “барча”, “бутун”, “ҳамма” (*سر sar* “бош”), *سینه به سینه sinebesine* “оғиздан-оғизга; “қарама-қарши”, “юзма-юз” (*سینه sine* “кўкрак”), *شب به شب šabbešab* “ҳар куни кечаси” (*شب šab* “тун”), *صاف در صاف safdarsaf* “саф-саф” (*صاف saf* “саф”), *گاه به گاه gāhbegāh*

“Ғоҳида”, “вақти вақти билан”, “баъзан” (گاه *gāh* “вақт”, “Ғоҳида”), گله به گله *gallebegalle* “гала-гала”, “тўда-тўда”, “гуруҳ-гуруҳ” (گله *galle* “гала”, “тўда”), گوربگور *gurbegur* “харом ўлгур” (گور *gur* “гўр”, “қабр”), گوش به گوش *gušbeguš* “қулоқдан қулоққа”, گوش نا گوش *guštāguš* (оғз.) “ёнма-ён”; “бутун”, “ҳамма” (одамлар билан тўла бино ҳ-да), “бошидан оёқ”; “ҳеч ким (инкор гапда)” (گوش *guš* “қулоқ”), لا بلا *lābelā* = لا بارلا *lābarlā* “кўп қатламли”, “кўп қатли”; от кўмакчи “ичида”, “орасида” (لا *lā* “қатлам”, “қат”), لب به لب *labbelab* = لبالب *labālab* “лик тўлган”, “лим-лим бўлган”, “тўлиб тошган” (لب *lab* “лаб”), لنگه به لنگه *lengebelenge* (оғз.) “жуфт эмас”, “тоқ”, “пойма-пой”; “бир-бирига мос (муносиб) эмас” (لنگه *lenge* “жуфт предметлардан бири”, “пой”), ماه به ماه *māhbetmāh* “ҳар ой(да)”, “ойма-ой”, “бир неча ой”, ماه تا ماه *māhtāmāh* “ойнинг бошидан охиригача”, “ой давомида”, “бу ойдан у ойгача” (ماه *māh* “ой”), ماهيه به ماهيه *māyebetmāye* “маҳсулотини харид нарҳига сотиб фойда олмаслик” (ماهيه *māye* “пул маблағи”), مو به مو *mubemu* “сўзма-сўз”, “батафсил”, “синчковлик билан” (مو *mu* “соч”), وقت به وقت *vaytbevayt* “вақти вақти билан”, “баъзида” (وقت *vayt* “вақт”), هفته به هفته *haftebehafte* “ҳар ҳафта” (муайян кунда), “бир неча ҳафта”, “ҳафталаб” (هفته *hafte* “ҳафта”), يک در يک *yekdaryek* (оғз.) “ногаҳон”, “кутилмаганда”, “тўсатдан”, “тасодифан”, يک يک *yekbeyek* = يک بر يک *yekbaryek* “битта-битта”, “битталаб”; “бирин-кетин”, “кетма-кет”; “ҳар”, “ҳар бир” (предлоғли ва изофали бирикмалар таркибида) (يک *yek* “бир”).

*Panj sāl piš dar touye-ye kār va amalegi az nard(e)bān oftād va hamānjā jūbejū jān dād* “Беш йил олдин ёлланиб ишлаётган вақтда нарвондан йиқилди ва ўша ерда дарҳол жон берди” (تلخ و شیرین، ۱۳)

*Šeš māh ast ke davāhā-ye jurbejur mixoram. Inhā badtar ādam-rā nāxoš mikonad* “Турли-туман дориларни ичаётганимга олти ой бўлди. Булар одамни бадтар касал қилади” (سایه روشن، ۱۲۴)

خانه حاج ممرضای مرحوم خانه که نیود، خانقاه بود. ... هر جور آدمی می آمد تویش، هفته به هفته *Sarāb-e in nāhiye be dahan-e ebn-e Sa'd-e gurbeguri xeyli maze kard* “Бу туманнинг шароби харом ўлгур Ибн Саъднинг оғзига жуди ёқди” (۱۰، توپ مرواری،)

خانہ حاج ممرضای مرحوم خانه که نیود، خانقاه بود. ... هر جور آدمی می آمد تویش، هفته به هفته *Xāne-ye hāj Mamarezā-ye marhum xāne ke nabud, xāneyāh bud. ... Har jur ādami mi-āmad tuyāš, haftebehafte va māhbe māh langar mi-andāxt* “Марҳум ҳожи Мамаризонинг уйи уй эмасди, хонақоҳ эди. ... Унга кирган ҳар қандай одам ҳафталаб, ойлаб қоларди” (۱۵۹، نون و القلم،)

خانه بهش نگو آقا بزرگ مرده، نکند پس بیفتد. بگو که یک در یک حالش به هم خورده *Beheš nāgu āyā Bozorg morde, nakonad pas beyoftad. Begu ke yek dar yek haleš be ham xorde* “Унга Оғо Бўзўргнинг вафот этганини айтма, йиқилиб қолмасин. Унга тўсатдан аҳволи оғирлашибди, деб айт” (۳۹، مرگ بی وسایل،)

سر به سر *sarbesar* КҚС “барча”, “бутун”, “ҳамма” каби маънолардан ташқари манбаларда “тенг”, “ора очик” каби маъноларни ҳам ифодалашди кузатилди:

حسابمان سر به سر *Hesābemān sarbesar ast* “Орамиз очик” (айнан. Ҳисобимиз тенг) [9:861]

سینه به سینه *sinebesine* КҚС Ю.А. Рубинчик таҳрири остидаги луғатда грамматик фразеологик бирлик сифатида қайд этилган бўлиб [7:81], “оғиздан-оғизга” маъносида феълга боғланиб, уни аниқлаб келса, “юзма-юз” маъносида қўшма феълнинг от қисми вазифасини бажаради:

این افسانه چند هزار سال پیش سینه به سینه به ما رسیده است *In afsāne čand hezār sal-e piš sinebesine be mā raside ast* “Бу афсона бир неча минг йил аввал оғиздан оғизга бизгача етиб келган” [9:942]

یکی دو بار، اول صبحها که می رفتم مدرسه، در خانه مان با او سینه به سینه شده بودم، مثل اینکه *Yeki do bār, avval-e sobh-hā ke mi-raftam madrase, dar xāneyemān bā u sinebesine šode budam, mesl-e inke moridhā-ye bābām bud* “Бир икки бор эрта тонгда мактабга кетаётганимда уйимизда отамнинг шогирдларидан бўлган у билан юзма-юз келган эдим” (۳۳، پنج داستان،)

Манбалардан тўпланган мисоллар таҳлили *به be* ва *تا tā*, *در dar* ва *بر bar*, *به be* ва *بر bar*, *تا tā* ва *به be* интерфиксларининг ўзаро синонимик қаторни ташкил этишини кўрсатди. Натижада *سر به سر sarbesar = سرتاسر sartāsar* “барча”, “бутун”, “ҳамма”, *پی در پی peydarpey = پی بر پی peybarpey* “кетма-кет”, “изма-из”, *لا به لا lābelā = لا بر لا lābarlā* “қўп қатламли”, “қўп қатли”; от кўмакчи “ичида”, “орасида(га)”, *سال تا سال sāltāsāl = سال به سال sālbesāl* “йилма-йил”, “йилдан-йилга”, бутун йил давомида” каби баъзи КҚСларда интерфикс вазифасидаги олд кўмакчининг алмашиши билан қўшма сўзнинг маъноси ўзгармаслиги аниқланди:

انگشتهایش را لای موهای جوگندمیش انداخته بود و با آنها بازی می کرد و می خواست راه حل مشکل *Angoštāyaš-rā lā-ye muhā-ye jougandomiyaš andāxte bud va bā ānhā bāzi mikard va mi-xāst rāh-e hall-e moškel-rā az lābelā-ye muhāyaš peydā konad* “Бармоқларини мош-гуруч сочларининг орасига қўйганди ва уларни ўйнарди, муаммонинг ечимини уларнинг **орасидан** топишни хоҳларди” (آدم عوضی، ۲۰۹)

در تمرین نظامی شبانه ارتش آمریکا دست کم هشت چتر باز زخمی شدند و تعدادی نیز در *لا بر لای Dar tamrin-e nezāmi-ye šabāne-ye arteš-e Āmrīkā dast(e)kam hašt čatrbāz zaxmi šodand va te'dādi niz dar lābarlā-ye šāxehā-ye deraxtān gir oftādand* “Америка армиясининг кечаги (тунги) ҳарбий машғулотида камида саккизта парашютчи яраланди ва шунингдек бир нечтаси дарахт шоҳлари **орасига** тушди” [16]

Манбалардан тўпланган мисоллар орасида *لا به لا lābelā = لا بر لا lābarlā* КҚСларининг Ю.А. Рубинчик таҳрири остидаги луғатда қайд этилган “қўп қатламли”, “қўп қатли” маъноси кузатилмади. Тўпланган мисоллар *لا به لا lābelā* КҚСнинг ишлатилиш даражаси юқори эканини кўрсатди.

*سال تا سال sāltāsāl = سال به سال sālbesāl* каби КҚСнинг таржима [7:12] ва изоҳли [9:849] луғатларда қайд этилган “йилма-йил”, “йилдан-йилга”, “бутун йил давомида” каби маънолари манбалардан аниқланган қуйидаги мисолларда ўз аксини топди:



*Hastand kudakān-e* هستند کودکان فقیری که سال تا سال یک وعده غذای گرم نمی خورند *faʿyiri ke sāltāsāl yek va 'de ʔazā-ye garm namixorand* “Бутун йил давомида бирор марта иссиқ овқат емайдиган камбағал болалардир” (۲۴۵، بازنشسته)

*Motaassefāne sālbēsāl be āmār-e fouy* متاسفانه سال بسال به آمار فوق افزوده می شود *afzude mišavad* “Афсуски, йилдан йилга юқоридаги статистика ошиб бормоқда” [17]

Аммо *gušbeguš*, گوش به گوش *guštāguš* کاби КҚСлар семантикасида маъно ўзгариши юз беради:

خبر ورود او گوش به گوش به تمام اهل محل رسید و همه خودرا برای استقبال آماده می کردند *Xabar-e vorud-e u gušbeguš be tamām-e ahl-e mahal rasid va hame xod-rā barāye esteybāl āmāde mi-kardand* “Унинг келиш хабари қулоқдан қулоққа бутун маҳалла аҳлига етиб борди ва ҳамма ўзини уни кутиб олиш учун ҳозирлай бошларди” (۴۵۹، اسمال)

*Moallem-hā guštāguš nešaste budand va ʔolombe harf mizadand va majles ob(b)ohati dāšt* معلمها گوش تا گوش نشستہ بودند و قلمبه حرف می زدند و مجلس ابهتی داشت *guštāguš* بوшидан-оёқ ўқитувчилар ўтирган эдилар, баландпарвоз оҳангда гапирардилар ва мажлис дабдабали эди” (۱۳۴، مدیر مدرسه)

Ю.А. Рубинчик таҳрири остидаги луғатда [7:629] *dastdardast* دست در دست = *dastbedast* КҚС “қўлдан қўлга”; “қўлни-қўлга бериб”, “аҳиллик билан” каби маъноларни англантиши қайд этилган. Аммо манбалардан *dastbedast* КҚСнинг луғатда қайд этилмаган янги маъноси ҳам аниқланди:

*Farrāš-hā dastbedast čāy mi-āvardand* فراشها دست به دست چای می آوردند *mi-āvardand* “Хизматкорлар бирин-кетин (тўхтовсиз) чой келтиришарди” (۱۳۵، مدیر مدرسه)

*Emsāl niz dast dar dast hammehrabāni-ye xod-rā be mardom-e aziz-e Irān taʔdim mikonim* امسال نیز دست در دست هم مهربانی خودرا به مردم عزیز ایران تقدیم می کنیم *taʔdim mikonim* “Бу йил ҳам қўлни-қўлга бериб (аҳиллик билан) Эроннинг азиз халқига ўз меҳримизни бахш этамиз” [19]

Баъзи КҚСда *be-* олд кўмакчили интерфикс *ā* интерфиксига ўзгаради ва ҳар икки КҚСда маъно умумийлиги кузатилади:

*Kif-rā bāz* كيف را باز مى كند. دسته هاى اسكناس درشت لب به لب در كيف ديده مى شود  
*mikonad. Dastehā-ye eskenās-e dorošt **labbelab** dar kif dide mišavad* “Портфелни  
очади. Йирик қоғоз пуллар дастаси портфелда ЛИММО-ЛИМ (тўла) бўлиб  
кўринади” (ادب مرد، ۳۴)

فقط يك چيز را بديهي ميدانست و ميگفت: جز يك حقيقت در عالم وجود ندارد و آن گيلاس لبالب من  
*Faḡat yek čiz-rā badihi midānest va migoft: Joz-e yek haḡiyat dar ālam vojud*  
*naḡarad va ān gilās-e **labālab**-e man ast* “Фақат бир нарсани аниқ биларди ва  
айтарди: Дунёда бир ҳақиқатдан бошқаси мавжуд эмас ва у менинг ЛИММО-  
ЛИМ қадаҳимдир” [18]

Форс тилида олд кўмакчили интерфикс орқали ясалган копулятив кўшма сўзлар таҳлили қуйидаги хулосаларга олиб келди:

1. Манбалардан тўпланган олд кўмакчили интерфикс иштирокидаги копулятив кўшма сўзлар (50 та) асосан *be* (34 та), *bar* (4 та), *dar* (7 та), *tā* (5 та) каби олд кўмакчили интерфикслар орқали ясалиши аниқланди. Тўпланган мисоллар таҳлили *be* интерфиксининг олд кўмакчили интерфикс иштирокидаги копулятив кўшма сўзлар ясалишида сермахсул (34 та) эканини кўрсатди.

2. Манбалардан тўпланган мисоллар таҳлилидан *bar* ва *dar*, *dar* ва *be*, *tā* ва *be*, *be* ва *tā*, *be* ва *bar* интерфиксларининг ўзаро синонимик қаторни ташкил этиши маълум бўлди. Жами бешта синонимик қатор аниқланиб, ўзаро синонимик қаторни ташкил қилувчи интерфикслар орасида *be* ва *dar* интерфиксларининг сермахсуллиги кузатилди. Баъзи истисноларни ҳисобга олмаган ҳолда КҚСларда интерфикс вазифасидаги олд кўмакчининг алмашиши билан кўшма сўзнинг маъноси ўзгармаслиги аниқланди.

3. Таржима луғатларда қайд этилган битта копулятив кўшма сўзнинг (لابلا) *lābelā* = لا برلا *lābarlā* “кўп қатламли”, “кўп қатли”) маъноси манбалардан тўпланган мисоллар таркибида кузатилмади. Шунингдек, иккита КҚСнинг (سر به سر *sarbesar* “тенг”, “ора очик”, دست به دست *dastbedast* “бирин-кетин”,

“تۇختовсиз”) таржима луғатларда қайд этилмаган янги маънолари ҳам аниқланди.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Березин И.Н. Грамматика персидского языка. Казань, 1853. 494 с.
2. Бертельс Е.Э. Грамматика персидского языка. Л., 1926. 129 с.
3. Залеман К.Г, Жуковский В.А. Краткая грамматика новоперсидского языка с приложением метрики и библиографии. СПб., 1890, 107 с.
4. Жафар М. Грамматика персидского языка. 2-е изд. (с участием академика Ф.Е.Корша). М., 1901, С. 247-254.
5. Жирков Л.И. Персидский язык. Элементарная грамматика. М., 1927. 207 с.
6. Пейсиков Л.С. Очерки по словообразованию персидского языка. М., 1973. 200 с.
7. Персидско – русский словарь в двух томах под. ред. Ю.А.Рубинчика. М.: Русский язык, 1983. I том 800 с, II том 864 с.
8. Рубинчик Ю.А. Основы фразеологии персидского языка. – М., 1981. 276 с.
9. ابو الحسن نجفی. فرهنگ فارسی عامیانه. تهران، نیلوفر. ۱۳۷۸
10. ایران کلباسی. ساخت اشتقاقی واژه در فارسی امروز. تهران: موسسه مطالعات و تحقیقات فرهنگی. ۱۳۷۱
11. بشیر جم. چگونگی تشکیل ترکیب های عطفی و تمایز آنها از گروه های نحوی // مجله پژوهش های زبانشناسی. تهران، ۱۳۹۱
12. خسرو فرشیدورد. دستور امروز. تهران، ۱۳۴۸
13. محمد جواد شریعت. دستور زبان فارسی. تهران، ۱۳۷۰
14. محمد معین. فرهنگ فارسی. شامل سه بخش: لغات، ترکیبات، خارجی. جلد 6-1. تهران، ۱۳۷۵
15. علاء الدین طباطبایی. ترکیب در زبان فارسی // نامه فرهنگستان ۳/۹. تهران، ۱۳۹
16. [www.khabarfarsi.com/ua/76804073](http://www.khabarfarsi.com/ua/76804073)
17. [www.ir.psri.com/sanadname/show](http://www.ir.psri.com/sanadname/show)

18. [www.glosbe.com/fa/en](http://www.glosbe.com/fa/en)
19. [www.safiranoor-iums.ir/dastha/main-slider/new-arrivals](http://www.safiranoor-iums.ir/dastha/main-slider/new-arrivals)